



Socio-cultural processes in Termez and Chaghanian during the period of the Timurids (On the example of exposition of the Termez Archaeological Museum)

Jalaluddin MIRZAEV¹ Azamat ABDURAKHMANOV²

Termez State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2022

Received in revised form

20 July 2022

Accepted 25 August 2022

Available online

15 September 2022

Keywords:

Termez,
Amir Temur, archaeological
museum,
Chaghanian,
Timurids, exhibition,
Sultan Saodat,
sayyids, mausoleum

ABSTRACT

In this article, the eighth exhibition hall of the Termez Archaeological Museum is dedicated to the culture of Termez and Chaganiyan during the period of Amir Temur and the Timurids. In this exhibition hall, there are models of Kyrgyz, Kokildar ota, Sultan Saodat complex, glazed household items, map of Amir Temur's state, copper coins, chess pieces and military equipment are being demonstrated. The material resources displayed in exhibitions of this hall, covering the period from 1370 to the beginning of the 16th century, show that the applied art of Termez and Chaganiyan developed in harmony with the culture of other central cities of Amir Temur's state.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss8/S-pp256-262>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Термиз ва Чағониёнда Темурийлар даври ижтимоий-маданий жараёнлар (Термиз археология музейи экспозицияси мисолида)

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Термиз, Амир Темур,
археология музейи,
Чағониён, темурийлар,
кўргазма, Султон Саодат,
саййидлар, мақбара

Ушбу мақолада Термиз археология музейининг саккизинчи кўргазма зали Амир Темур ва темурийлар даврида Термиз ва Чағониён маданиятига бағишланган бўлиб, ушбу кўргазма залида Қирққиз, Кокилдор ота, Султон Саодат мажмуаси макетлари, сирланган уй-рўзгор буюмлари, Амир Темур давлати харитаси, мис тангалар, шахмат доналари ва ҳарбий анжомлар намоиш этиб

¹ PhD in History, Associate Professor of Termez State University, Termez, Uzbekistan

² Independent researcher of Termez State University, Termez, Uzbekistan

E-mail azamat228410@gmail.com

келинмоқда. 1370 йилдан-XVI аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олган ушбу зал кўргазмаларида намоиш этилаётган ашёвий манбалар Термиз ва Чағониён амалий санъатининг Амир Темур давлати бошқа марказий шаҳарлари маданияти билан ҳамоҳанг тараққий этганлигидан далолат беради.

Социо-культурные процессы в Термезе и Чаганиане в период Тимуридов (На примере экспозиции Термезского археологического музея)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Термез, Амир Темур, археологический музей, Чаганиан, Тимуриды, выставка, Султан Саодат, сайиды, мавзолей.

В данной статье описан восьмой выставочный зал Термезского археологического музея, который посвящен культуре Термеза и Чаганиана в период правления Амира Темура и Тимуридов. В этом выставочном зале представлены макеты комплексов Кирккиз, Кокилдорота и Султан Саодат, глазурированные предметы быта, карта государства Амира Темура, медные монеты, шахматные фигуры, военная техника и другие. Представленные в экспозиции этого зала материальные источники, охватывающие период с 1370-х до начала XVI века, свидетельствуют о том, что прикладное искусство Термеза и Чаганиана развивалось в гармонии с культурой других центральных городов государства Амира Темура.

1. Долзарблиги:

Амир Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданияти тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу даврдаги маданий ютуқлар умумбашарий цивилизацияси даражасида бўлган. Маданият тарихидаги ушбу мумтоз даврда ўзбек маданиятининг шаклланиши бу даврдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир. Хусусан, меъморчилик, илм-фан, адабиёт, санъат, ҳунармандчилик кенг раванқ топди. Бу даврда йирик шаҳарлар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Ҳирот сингари Термиз ва Чағониёнда ҳам маданият ривожланди.

Амир Темур ва темурийлар даврида Сурхон воҳаси ҳудудида ижтимоий-маданий ҳаёт ва шу даврга оид воҳа ҳудудидаги маданий ёдгорликлар ва моддий ашёлар орқали таҳлил қилиш, уни тўлиқ очиб бериш танланган мақоланинг долзарблигини белгилайди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбавий қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик ҳамда даврлараро ёндашувлар асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Амир Темур ва темурийлар даврида Термиз ва Чағониёнда ижтимоий-иқтисодий ҳамда бадиий маданияти ривожини юксак чўққига чиқади. Воҳада 1409 йилга қадар

Термиз темурий ҳукумдор Халил Султон ва ундан сўнг Шохрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Мирзо Улуғбек тасарруфида бўлган.

Академик В.В.Бартольднинг таъкидлашича, 1220 йилда юз берган Чингизхон босқинидан кейин вайрон этилган Термиз Балхдан аввалроқ ўзини тиклаб олишга мушарраф бўлганлигини ва 1407 йилнинг ёзида шаҳар тикланишида Амир Темурнинг набираси Халил Султоннинг ҳиссаси катта бўлган [1. Б-125].

Темурийлар даврида Термиз жуда кенг ва аҳолиси зич жойлашган, унда ташқи девор ва мудофаа истехкомлари йўқ бўлган. Атрофи боғ-роғ, шаҳарни кўплаб анҳорлар кесиб ўтган эди.

Темурийлар даври ёзма манбаларидадан бири Боделян (Оксфорд) кутубхонасида сақланаётган Хофиз Абрунинг “География” асари (қўлёзма)нинг “Мовороуннаҳр тавсифи”да Термизга қуйидагича таъриф берилган [2. Б-73]. “Жайхун (дарёси) бўйида жойлашган шаҳар; қўрғони (куҳандиз) бор (илгари) шаҳристони ва рабази ҳам бўлган экан. Бозор ва жума масжид шаҳристонда жойлашган (Шаҳар) аҳолисининг уйлари лойдан қурилган; (аҳолиси) Жайхун (дарёсидан) сув ичади, экинлари эса Чағониён дарёси (суви) дан суғорилади”.

Термиз шаҳрининг қурилиши ҳақида сўз кетганда, унинг асосчиси Искандар (Александр Македонский) бўлган экан, дейишади. У шимол томондаги (мамлакатларга) юриш қилиб, Жайхун дарёси бўйига етиб келганида, шу ерни қурилиш учун маъқул кўрган ва ушбу шаҳарни бунёд этган экан. Янги кечув аста-секин обод шаҳарга айланди. Боғлари кўп, мевалари мўл-кўл; аҳолиси эса тижорат билан шуғулланар эди [3. Б-86].

Шимолда Каттақум ва шарқда Солиобод қишлоқларига туташ бўлган Термиз ката кенгликни ишғол қилган, аммо у мудофаа истехкомлари билан ўраб олинмаган.

Бу давр шаҳрининг таърифи 1404 йилда Термиз орқали Самарқандга Амир Темур саройига Кастилия қироли Генрих III номидан элчи бўлиб борган Руи Гонсалес де Клавихо кундалигида ўз аксини жуда яхши топган. -“Термиз жуда кенг ва аҳолиси зич жойлашган, унда ташқи девор ва мудофаа истехкомлари йўқ. Атрофи боғ-роғ, шаҳарни кўплаб анҳорлар кесиб ўтади. Биз доимо хилма-хил моллар сотиладиган гавжум кўчалар ва майдонлардан ўтиб бордик” деб, таърифлаган.

Термизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида Термиз саййидлари хонадонининг хизматлари катта бўлган. Термиз саййидлари тарихидаги энг ёрқин саҳифалар Амир Темур ва унинг авлодлари билан боғлиқдир. Соҳибқироннинг пири Шамсиддин Саййид Амир Кулол айни Аъло ул-Мулук Худовандзоданинг ўғли эканлиги тахмин қилинади. Амир Темур бутун умри давомида саййидлар хонадонининг вакиллари билан чамбарчас алоқада бўлган. “Темур тузуклари”да Аъло ул-Мулукнинг жиянлари ака-ука Ҳасан ва Зиёуддин бир неча бор тилга олинади. 1370 йилда Амир Темур Балхга кетаётиб, Термизда Саййид Барака қўлидан ҳокимият рамзи ноғора ва байроқни олишга муяссар бўлади.

Бундан ташқари, Термиз шаҳрининг шимоли-шарқида жойлашган “Султон Саодат” мажмуаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлодлари (“аҳл ул-байт” яъни, саййидлар) дахмаси сифатида танилган. Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима розияллоҳу анҳо ва ҳазрат Али розияллоҳу анҳуларнинг фарзанди Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳумнинг авлодларидир. Ушбу ёдгорлик халқ орасида Термиз саййидлари дахмаси деб ҳам аталади. Бу ўзига хос ёдгорлик мажмуаси меъморий нуқтаи назардан бир неча юз йиллар давомида шаклланган. Мажмуа айвон туридаги равоқли қурилмага эга масжид, дарвозахона, XI

асрда, айримлари – XIV ва XVII асрларда қурилган 16 мақбара, хонақоҳ ва бошқа бинолардан иборат. Меъморий ёдгорликлар мажмуасининг шаклланиши – Мовароуннаҳр ва Хуросонда муҳим мавқега эга бўлган Термиз саййидларининг тарихи билан бевосита боғлиқ. Дахманинг хоналарида саййидлар сулоласи вакиллариининг сағаналари жойлашган.

Термиз Археология музейи фондларида сақланаётган Султон Саодат мақбарасининг нақшинкор кошнлари ҳажми ўлчаб қўрилганда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олти бурчакли, ҳошияси кўк рангли диаметрик ва ислимий нақшлар билан безатилиб, қора-бинафша ва оч-жигарранг берилган. Кошннинг диаметри - 25 см.
2. Квадрат шаклидаги, ҳажми 15х 15 см.ни ташкил этувчи бинафша фондаги кўк рангли ислимий нақшли безаклар.
3. Қўш этик шаклидаги майолика плитка бинафша ва қора фонда оқ рангдаги ислимий нақш берилган. Ҳажми 16х18 см.ни ташкил этади.
4. Трапеция шаклидаги бир хил ранг фонида (кўк ва бинафша) тайёрланган плиткалар ҳажми 5,5х19,5 см.ни ташкил этади.

Мазкур меъморий ёдгорлик Термизнинг шарқида жойлашган бўлиб, етти аср давомида шаклланган. Дастлаб шу атрофдаги ерлар эгаси, пайғамбаримиз авлодларидан бўлмиш Ҳасан ал-Амир (9-асрнинг 2-ярмида вафот этган) мақбараси бунёд этилган. Халқ орасида Султон Саодат мажмуи номи билан машҳур бўлган мақбаралар 10 асрда, қолганлари, асосан, 15-17-асрларда ёнма-ён қурилиб, узун ҳовлининг 2 томонини эгаллаган. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар (9х9,05 м ва 10, 15х 10,25 м) дан иборат. Ҳовлининг туридаги пештоқ ва икки қанотидаги гумбазли мақбаралар бир хил тарҳда, жанубидаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўринади. Шимоли-ғарбидаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт (27х27х5 см) дан жуфт-жуфт қилиб териблиб, мавжли безак ҳосил қилинган. Ички хона деворларига ғиштан ҳошияли бўртма равоқлар ишланган. Жануби-ғарбдаги мақбара шимоли-ғарбидан бир оз кичик, кўриниши оддий, ганч сувоқли. Мазкур 2 мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган. Сиркор кошнлар бинога алоҳида ҳусн бағишлаган. 15-17 асрларда қурилган мақбараларда ўша даврга хос юлдузсимон гириҳ нақшлар, ганчкори безаклар кенг қўлланилган. Мажмуа мустақилликдан кейин таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилган.

Амир Темур ҳар сафар Термиз орқали ўтганида саййидларнинг уйида меҳмон бўлишни қанда қилмаган, Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, 1399 йил кузида ва 1404 йил ёзида Темур Аъло ул-Мулукнинг уйида меҳмон бўлади. Гиёсиддин Али томонидан ёзилган Темурнинг Ҳиндистонга юришига бағишланган асарида Аъло ул-Мулукнинг олтинчи ўғли Алоуддин ҳам тилга олиб ўтилади. Термиз Археология музейида сақланаётган мазкур асарнинг 1915 йилдаги форсча нашрида Термиз Худовандзодалари Амир Темур ва унинг қўшинига икки кун тўй берди, дея битиб қўйилган.

Археологик тадқиқотлар туфайли ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг ҳар бир тарихий даврга хос меъморий тузилишини ойдинлаштирувчи маълумотлар ҳам тупланди. Биринчидан, мақбарадаги дастлабки бино ҳам ғиштан қурилган бўлиб, у X аср бошларига оид Иккинчидан, археологик тадқиқот натижаларига кўра мақбаранинг 2-қурилиш даври X аср ўрталарига, 3-қурилиш даври XI аср охири ва 4-қурилиш даври Амир Темур ҳукмронлиги даврига, 5-қурилиш даври Халил Султон ҳукмронлигининг

илк босқичи (1405-1406 йиллар). 6-қурилиш даври XVI асрга асрларга тўғри келади. Айниқса, 6-қурилиш даврида мақбаранинг шимолий тарафида алоҳида бир гумбазли иншоот барпо этилганлиги ва XVII-XVIII асрларда мақбаранинг шимолий ва гарбий тарафларида қабристон юзага келганлигининг исбот этилиши муҳимдир. Мақбара атрофида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Археология музейи фондига 448 дона сопол буюмлар топширилган [4. Б-16].

Амир Темур даврида Чағониён ўлкасининг марказий шаҳри Чағониён ўз мавқеини йўқотмади. Археологик тадқиқотларга кўра, XV аср охири XVI аср бошларига келиб Чағониёнда ҳаёт Шаҳристондан работга кўчган. Чағониённинг яна бир маркази Наванд ҳисобланган. (Наванд-чопар, чопарлар шаҳри) Чағониён ва Наванд шаҳарларида тангалар зарбхоналари бўлиб, уларда Амир Темур ва темурийлар давлати ҳудудида муомалада бўлган дирҳам (мис тангалар) қайтадан зарб этилган. Залнинг марказий қисмида намойиш этилаётган мис тангалар Амир Темур, Шохруҳ Мирзо, Улуғбек, Абу Саид Мирзо номидан, шунингдек маҳаллий амирлар номидан зарб этилган дирҳам мис тангалар бўлиб, алоҳида тарихий аҳамиятга эгадир.

XIV-XVI асрларга мансуб Навандактепа (Узун тумани) ёдгорлиги Чағониёндаги шу даврга мансуб бошқа ёдгорликлар сингари қишлоқ, савдо йўли, божхона вазифасини ўтаган. Ушбу зал кўргазмаларида намойиш этилаётган ашёвий манбалар, хусусан, темирдан тўқилган жангчи ҳимоя кийими, сифат даражаси билан Хитой ва Дамашқ чинниси билан тенглашган лаган ва косалар, кўза ва чироқлар, шиша буюмлар, меъморий кошинлар Чағониён амалий санъатининг ноёб намуналаридир.

Темурийлар даври моддий маданияти ашёвий буюмларининг, айниқса сопол буюмларни ишлаб чиқариш усулида бир умумийлик хусусияти мавжуд. Бу умумийлик ишлаб чиқарилган барча буюмларда ва темурийлар даврида бунёд этилган барча тарихий ёдгорликлар кошинларида ҳам ҳаво рангининг кенг қўлланилишидир. Чунки ҳаво ранг осмон ранги бўлиб, улуғликни англатган.

Залнинг марказий қисмида намойиш этилаётган Қумқўрғон туманидан топилган шахмат доналари киши диққатини ўзига жалб этади. Сирланган сополдан тайёрланган ва турли нақшлар билдан безатилган шахмат доналари ҳозирча республика музейларида сақланаётган ва намойиш этилаётган тўлиқ ҳолатда топилган шахматнинг ягона нусхаси ҳисобланади.

Чағониён моддий маданияти ва санъати коллекциясидан ўрин олган XIV-XV асрларга мансуб темурийлар даврида темирдан тўқилган жангчи ҳимоя кийими, сифат даражаси билан Хитой ва Дамашқ чинниси билан тенглашган шиша буюмлар, сиркор лаган ва косалар, меъморий кошинлар Чағониён амалий санъатининг ноёб дурдоналаридир.

Умуман, Термиз Археология музейи фондларида сақланаётган ва Чағониён моддий маданияти ва санъати коллекциясига тегишли ноёб осори-атиқалар ҳалқимизнинг ўтмишдаги юксак маданияти ва санъатини ўзида ёрқин ифода этувчи бетакрор ва гўзал асарлари бўлиб ҳисобланади.

Моворауннаҳр ҳудуди бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли савдо манзилгоҳларида қадим Сурхондарё ҳудуди алоҳида ўрин тутади. Чунки ишончли тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ва темурийлар давлатидаги савдо қарвонларининг кириб келадиган ва чиқиб кетадиган божхона хизмати айнан шу ерда, яъни Дарбанд манзилгоҳида бўлган [6. Б-98].

Амир Темур ва ва темурийлар даврида Сурхондарё худуди бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли савдо йўлларининг манзилгоҳлари ҳақида гапириладиган бўлса, Дарбанд дарвозаси ҳақида тўхталмасдан иложи йўқ. Масалан, 1878 йилда рус императорининг топшириғига асосан, Бухоро амирлиги бекликларига сафарга жўнатилган. Н.Маев бошчилигидаги илмий экспедиция аъзолари қизиқ маълумотлар беради.

Н. Маев эътирофига кўра, милодий I-асрда Хитой саёхатчиси Сюцан-Цзянь Бўгголаҳана дарасида қўнғироқлар осилган темир дарвоза кўрганлигини ёзиб қолдирган дейди. Бироқ Хитой сайёҳининг маълумотини 1405 йилда Дарбанд дарасидан ўтиб кетган испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихо тасдиқламайди. Аксинча, у Дарбанд дарасидаги дарвоза фақат темир рангдаги қоя тошлардан иборат эканлигини ёзиб қолдирган. Умуман Н.Маев Дарбанд дарвозасини Бойсунга олиб борувчи муҳим қалъа деб кўрсатади. Шунингдек, ўзбек археолог олимларидан Ш.Рахмонов Тавка кўрғони ҳақида Буюк Ипак йўли билан боғлиқ ниҳоятда қизиқ маълумотларни келтиради.

Тавка кўрғони Шерободнинг биринчи даҳнасида дарёнинг чап қирғоғида қоя устида жойлашган бўлиб, тоғ меъморчилиги ананаларига монанд қурилган ёдгорликдир. Кўрғонинг жануби-ғарбий томонида дарёнинг ўнг томонида тоғ тизмаси бўлиб 1 км.дан ошиқроқ масофада тош девор кузатилади. Кўрғон ва тош девор кузатилади. Кўрғон ва тош девор ўзаро ҳамаҳанг ягона меъморий мажмуани ташкил қилиб, ундаги изланишларнинг дастлабки натижалига кўра божхона деб талқин қилинган[6. Б-42].

Буюк Ипак йўли бўйлаб Термиздан ўтган савдо карвонлари темурийлар давлати худудидаги энг кўркам ва муҳташам бинолардан бири Оқсаройда тўхтаб ўтганлар. Чунки А.Якубовский эътирофига кўра, Оқсаройда карвонсарой жойлашган бўлиб, ўтадиган савдо карвонлари учун қўноқ жойи ва савдо моллари сақланадиган омборлар бўлган. Шу сабабли бўлса керак, соҳибқирон Амир Темур буйруғи билан Оқсаройда савдо карвонларининг хавфсизлигини таъминловчи махсус ҳарбий қисм жойлаштирилган [7. Б-16].

Амир Темур томонидан Мовароуннаҳр худуди бўйлаб Буюк Ипак йўли ўтадиган кенгликларга асос солингач, қудратли марказлашган давлат ўрта асрлар Евроосиё иқтисодиёти, савдо-сотиғи, ўзаро алоқалар ва шунинг баробарида маданияти ривожига кучли турти берди. Амир Темур Буюк Ипак йўли ўтадиган йўлларни ўз назорати ва ҳимоясига олди. Бу ҳол, биринчидан карвонлар хавфсизлигини таъминлашга имкон берса, иккинчидан, буюк салтанат хазиналарини бож солиқлари билан тўлдиришга хизмат қилар эди [8. Б-51].

4. Хулоса:

Амир Темур ва темурийлар даврида амалга оширилган ислоҳотлар халқ турмуш тарзи, дини, маданиятидан фарқланувчи халқларнинг ўзаро алоқасини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзбекистоннинг бугунги истиқлолга эришган дарвида Амир Темур ва темурийлар даврида тиклаган ва ривожланган маданият тарихини ўрганиш ва сақлашда музейларнинг ўрни беқиёс. Бу борада, музейнинг шу даврга тегишли бўлган топилмалари орқали халқимизнинг тарихий тақдиридаги ўрнини англашда катта аҳамиятга эга бўлиб, жиддий изланишларни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бартольд, В. В. К истории орошения Туркестана. П., изд. Отд. земельн. улучш. ГУЗиЗ, 1914, 174 стр.
2. Хофиз Абду. География. Боделян (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида).
3. Омонullo Буриев. Центральная Азия письменных источников эпохи темуридов. Ўзбекистон. 1997. б. 168.
4. Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихи манбаларда (XIX - XX аср бошлари); Термиз археология музени. -Т.: Фан, 2010. Б.44.
5. Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник изд. Туркестанского статистического комитета. Под. Ред. Н.А. Маева. Вып V. Санкт Петербург. Типография и хромофотография А.Траншеля. Стремянная. № 12. 1879. стр.150.
6. Рахмонов Ш.А. Тавка қўрғони Буюк Ипак йўлидаги муҳим манзилгоҳ. Бақтрия ва Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг 60 йилигига бағишланган илмий анжумани материаллари. 1993 йил 16-17 сентябрь. Археология институти нашриёти. Самарқанд-1993.
7. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Очерк А.Я. Якубовского с 20-ю автотипиями. — Ленинград: Государственный Эрмитаж, 1933. — 64 стр.илл.
8. Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XIII-XIV вв. М. 1985 г, Стр.79.